



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI TOSHKENT SHAHAR HOKIMINING F A R M O Y I SH I

2021 года «14» сентября

40-14-0-F/21

Хокимият города Ташкент

Маблағ ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 28 июлдаги 39-сонли “Ногиронлиги бўлган, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган ҳамда етим болаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг янги тизимини жорий этиш, шунингдек ижтимоий нафақаларни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги мажлис баёнининг ижросини таъминлаш ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимининг Ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий масалалар бўйича ўринбосари мажмуасининг мурожаатини инобатга олиб,

1. Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари (Х.Шакиров), Молия бош бошқармаси (Л.Исматуллаев):

Меҳрибонлик уйлари, Болалар шаҳарчалари ва Оилавий болалар уйлари тарбияланувчилари ҳамда васийлик, ҳомийлик ва патронатда бўлган болалар учун Тошкент шаҳридаги саёҳатларини ташкил этишдаги сарф-харажатларни қоплаш учун Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетининг захира жамғармаси ҳисобидан 7,750 млн (етти миллион етти юз эллик минг) сўм Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармасига ажратилсин.

2. Тошкент шаҳар Молия бош бошқармаси (Л.Исматуллаев):

2021 йил Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетига тегишли ўзгартириш киритилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Тошкент шаҳри бўйича Ғазначилик бошқармаси (М.Зарипов):

ажратилган маблағни ўрнатилган тартибда молиялаштирилиши таъминлансин.

4. Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси (К.Хасанов):

ажратилган маблағларни ўрнатилган тартибда ва мақсадли сарфланиши ҳамда белгиланган тартибда совғалар харид қилиниши таъминлансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Тошкент шаҳридаги Давлат молиявий назорати бошқармаси (Ш.Яриев):

ажратилган маблағларнинг мақсадли сарфланиши назорат қилинсин.

6. Мазкур фармойишнинг ижросини назорат қилиш Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосарлари Х.Шакиров ва Д.Рахимова зиммаларига юклатилсин.

Toshkent shahar hokimi



ARTIKXODJAYEV J. A.